

БАҲОРГИ ЖАВДАРНИНГ ДОН ҲОСИЛДОРЛИГИ, СОМОН МАССАСИНИ ЭКИШ МУДДАТЛАРИ ВА МЕЪЁРЛАРИГА БОҒЛИҚЛИГИ

Латипова Зухра Абдуҳакимовна, магистр,

Исмоилов Воҳид Исропилович, қ.х.ф.ф.д., (PhD),

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети,

Турсунов Шермухаммад Нурмаматович,

Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти Самарқанд илмий-тажриба станцияси директори

Аннотация. Мазкур мақолада баҳорги жавдарнинг Вахшская 116 навини баҳорги экиш муддати ва меъёрларини унинг дон ҳосилдорлиги, сомон массасига таъсири натижасида олинган маълумотлар келтирилган. Тажриба баҳорги уч хил экиш муддати (20-23 феврал, 01-13 ва 20-23 март) да ва уч хил экиш меъёри (3,5; 4,5 ва 5,5 млн.дона/га) да олиб борилда ҳамда энг мақбуллари ажратиб олинди. Тадқиқотлар натижасида дон ҳосили энг юқори кўрсаткичи экиш муддати 20-23 февралда, экиш меъёри гектарига 4,5 млн.дона экилган вариантда 55,7 ц/га, сомон массаси эса худда шу экиш муддати ва меъёрида энг юқори 106,0 ц/га бўлди. Энг кам натижа 20-23 мартда, 3,5 млн.дона/га уруғ экилган вариантда кузатилди.

Калит сўзлар: жавдар, Вахшская 116, баҳорги, дон, сомон, ҳосил, экиш муддати, экиш меъёри.

Аннотация. В статье представлены данные, полученные в результате влияния сорта яровой ржи Вахшская 116 на сроки посева и нормы на ее урожайность зерна и массу соломы. Опыт проводился в три разных срока весенней посадки (20-23 февраля, 01-13 и 20-23 марта) и трех разных нормах посева (3,5, 4,5 и 5,5 млн шт./га) и были выбраны наиболее приемлемые. В результате исследований наибольший показатель урожайности зерна составил 55,7 т/га в варианте посева 4,5 млн.зерен/га со сроком посева 20-23 февраля, а масса соломы была самой высокой - 106,0 т/га. при одном и том же периоде и норме посева.так получилось. Самый низкий результат наблюдался в период сева 20-23 марта, когда было высеяно 3,5 млн. шт./га семян.

Ключевые слова: рожь, Вахшская 116, яровая, зерно, солома, урожай, сроки посадки, норма посева.

Abstract. The article presents data obtained as a result of the influence of the spring rye variety Vakhshskaya 116 on sowing dates and norms on its grain yield and straw weight. The experiment was carried out at three different spring planting dates (February 20-23, March 01-13 and March 20-23) and three different sowing rates (3.5, 4.5 and 5.5 million pcs./ha) and the most acceptable. As a result of the research, the highest grain yield was 55.7 t/ha in the variant of sowing 4.5 million grains/ha with the sowing period of February 20-23, and the straw weight was the highest - 106.0 t/ha. at the same period and sowing rate. This is how it happened. The lowest result was observed during the sowing period of March 20-23, when 3.5 million seeds/ha were sown.

Key words: rye, Vakhshskaya 116, spring, grain, straw, harvest, planting time, sowing rate.

Кириш. Республикамиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган туб ислохотлар натижасида ғўза ва бугдойдан қисқартирилган майдонларда рентабеллиги юқори, серҳосил, озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлашда бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини парваришlash имконияти ортди. Бу борада жавдар етиштириш агротехникаси, ҳар бир яратилган навнинг биологик хусусиятларига мос равишда экиш муддат ва меъёрини такомиллаштириш муҳим масалалардан бир ҳисобланади.

Бугунги кунда чорвачиликни сифатли ва тўйимли озуқалар билан таъминлаш муаммо бўлиб келмоқда. Буни олдини олиш учун ем-хашак экинларини кўпайтириш, яйлов ва пичанзорларда учрайдиган ўтлардан самарали фойдаланишни талаб этади. Республикамиз тупроқ-иқлим шароитига мос бўлган жавдар навларини экиш ва уларни уруғчилигини кўпайтириш чорвачиликни озуқа билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Германияда кузги жавдарни ем-хашак учун 50 %, озиқ-овқат учун 22,5 % ва саноатга хом ашё етказиб бериш учун эса 17,5 % ишлатилади [6].

Кузги жавдарнинг яшил массаси, дони ва кепаги қишлоқ хўжалик ҳайвонлари учун озуқа сифатида кенг қўламда ишлатилади. Унинг сомони крахмал эквиваленти бўйича пичанга тенгдир. Жавдар сомони, кучлилиги, эластиклиги ва узунлиги туфайли қурилишда фойдаланиш учун ҳам яхши хом ашёдир. Хусусан бу маҳсулот гишт тайёрлаш учун яхши материал ҳисобланади [1].

Жавдар донидан турли хил ичимликлар ишлаб чиқариш учун кенг фойдаланилади. Биргина Россияда 150 дан ортиқ квасс рецепти мавжуд бўлиб, улар унинг асосида турли хил таомларни тайёрлашда ҳам қўлланилади. Кўп асрлар давомида одамлар жавдар етиштириб ундан наф кўраяпти, аҳоли жавдарнинг кўплаб касалликларга қарши таъсир қилувчи доривор хусусиятларини ҳам кашф этган [2].

Дунёда экилиш майдони бўйича жавдарнинг 80 % дан ортиғи Германия, Россия Федерацияси, Польша, Беларус, Украина ва Хитой мамлакатларига тўғри келади. Ялли ишлаб чиқариладиган жавдар донининг 25 % дан ортиғи Россияда етиштирилади [3].

А.М.Тагаев, С.О.Абдурахмоновларнинг тадқиқотларида,

кузги жавдарнинг Вахшская 116 нави 4,0 ва 5,0 млн.дона/га унувчан уруғ меъёрида ҳамда 20-сентябр мuddатида экилганда биологик ҳосилдорлиги 166,8-205,4 ц/га ни, сомонининг донга бўлган нисбати 1,36-1,32 га тенг бўлганлиги, шунингдек, экиш мuddатининг кечикиши бу кўрсаткичларнинг пасайишига сабаб бўлганлиги келтирилган [4]

Самарқанд вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида кузги жавдарнинг Вахшская 116 ва Шалола навлари учун мақбул экиш мuddати 15 октябрь эканлиги ва ушбу экиш мuddатида кузги жавдардан юқори ҳосил олишда минерал ўғитлар гектарига $N_{180}P_{110}K_{90}$ меъёрида қўллаш дон ҳосилдорлиги ҳамда сомон массаси ошганлиги исботланган[5].

Материаллар ва методлар. Тадқиқотлар Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Самарқанд илмий-тажриба станцияси жавдарнинг Вахшская 116 навини баҳорги экиш мuddатлари 20-23 феврал; 01-03 март ва 10.13 мартда экилди. Экиш меъёрлари 3,5; 4,5 ва 5,5 млн.дона/га унувчан уруғ сарфланди. Тажрибада минерал ўғитлардан аммиакли селитра- NH_4NO_3 (N-33-34,6 %), аммофос- $NH_4H_2PO_4$ (N-11-12 %, P_2O_5 -44-46 %) ва хлорли калий- KCl (K_2O -53,7-60,0%) ўғитларини бир хил $N_{180}P_{110}K_{90}$ кг/га қўлланилди. Тажриба 3 қайтариқда олиб борилди.

Тадқиқотлар барча кузатувлар тупроқ ва ўсимлик намуналари таҳлиллари ва ҳисоб китоблар “Dala tajribalarini o'tkazish uslublari” (2014) “Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах” (1963), “Практикум по агрохимии” (2001) каби илмий қўлланмалар асосида бажарилди.

Тадқиқот натижалари ва уларнинг таҳлили. Жавдарнинг дон ҳосилдорлиги навнинг биологик хусусиятлари, баҳорги экиш мuddатлари ва экиш меъёрларига қараб ўзгарди. Дон


ҳосилдорлиги энг кам вариантлар бу экиш меъёри 3,5 млн. дона/га уруғ сарфланганда бўлиб, 20-23 феврал экиш мuddатида 49,8 ц/га 01-03 март экиш мuddатида 47,9 ц/га, 10-13 март экиш мuddатида эса 44,3 ц/га бўлиши кузатилди (1-жадвал).

Экиш меъёрларини ошириш эрта 20-23 февралда экилган мuddатда жавдарнинг дон ҳосилдорлиги камайганлиги қайд этилди. Жавдар уруғлари зич экилган вариантларда (5,5 млн. дона/га) ўсимлик поялари нимжон ва узун бўлиб, ноқулай об-ҳаво оқибатида ётиб қолиши сабабли дон ҳосили камайиши кузатилди. Ушбу ҳолат экиш мuddатлари 20-23 феврал ва 01-03 мартда экиш меъёри 5,5 млн.дона/га уруғ сарфланган вариантларда қайд этилди.

Жавдарнинг экиш мuddати кечикиши билан дон ҳосили камайиб, 10-13 мартда экилган вариантларда, 01-03 март экиш мuddатига нисбатан гектаридан 1,9; 2,4 ва 1,8 ц/га кам ҳосил олинди. Кечки 10-13 мартда экилган вариантларда ҳосилдорлигини камайиши жавдар уруғларининг унувчанлиги кечикиши ва тупланиш фазасида ҳаво ҳароратини кўтарилиши оқибатда тиним даврини қисқа бўлиши натижа-сида содир бўлди.

Тажрибаларимизда жавдарнинг сомон массаси оғирлигини таҳлил қилганимизда, бунга баҳорги экиш мuddатлари ва меъёрлари сезиларли даражада таъсир қилганлиги аниқланди (1-Расм). Экиш мuddати 20-23 февралда, экиш меъёри гектарига 3,5 млн.дона уруғ экилганда сомон массаси 86,4 ц/га бўлган бўлса, экиш мuddати 20-23 мартда, экиш меъёри гектари 3,5 млн.дона уруғ экилганда эса 60,6 ц/га сомон массаси олинганлиги қайд этилди. Бундан кўриниб турибдики, экиш мuddатлари кечикиш билан сомон массаси камайди.

Сомон массаси энг юқори 20-23 февралда экилган вариантларда мос равишда 86,4; 106,0 ва 94,6 ц/га бўлганлиги



1-Расм. Баҳорги экиш мuddатлари ва меъёрларини жавдарнинг сомон массасига таъсири (2023 йил).

Баҳорги жавдарнинг дон ҳосилдорлигига экиш муддатлари ва меъёрларининг таъсири (2023 й).

№	Экиш муддати	Экиш меъёри	Қайтариклар			Ўртача
			I	II	III	
1	20-23 феврал	3,5 млн.дона/га	52,3	49,5	47,6	49,8
2		4,5 млн.дона/га	58,4	54,6	54,1	55,7
3		5,5 млн.дона/га	55,1	54,2	50,9	53,4
4	01-13 март	3,5 млн.дона/га	50,1	47,0	46,5	47,9
5		4,5 млн.дона/га	55,0	54,0	51,0	53,3
6		5,5 млн.дона/га	53,4	52,1	49,3	51,6
7	20-23 март	3,5 млн.дона/га	46,0	43,5	43,5	44,3
8		4,5 млн.дона/га	51,0	50,1	47,6	49,5
9		5,5 млн.дона/га	52,3	50,0	49,0	50,4

қайд этилди. Барча экиш муддатларида гектарига 4,5 млн. дона уруғ экилган вариантда энг юқори бўлди.

Хулоса шуки, Самарқанд вилоятининг суғориладиган ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида жавдарнинг Вахшская

116 нави учун мақбул баҳорги экиш муддати феврал ойининг охиригى ўн кунлиги эканлиги исботланди. Ушбу экиш муддатида жавдардан юқори дон ҳосил ва сомон массаси олишда экиш меъёри 4,5 млн.дона/га уруғ экиш тавсия этилади.

АДАБИЁТЛАР:

- 1.Атабоева Ҳ.Н. ва бошқалар. Ем – хашак етиштириш. Дарслик. -Т.: "Мехнат", 2017.
2. Азимбоев С.А., Артуқметов З., Шералиев Ҳ., Норқулов У., Шодманов М. Умумий деҳқончилик ва мелиорация асослари. Дарслик. Ўзкомцентр, Тошкент. 2012. 182 б.
3. Орипов Р.,Халилов Н. Ўсимликшунослик.Ўқув қўлланма. Тошкент, 2007.
4. Артуқметов З.А., Шералиев Ҳ.Ш. Экинларни суғориш асослари. Дарслик. Тошкент .2014 "Авто-нашр".

УЎТ: 633.15:631.51

МАККАЖЎХОРИ ДУРАГАЙЛАРИНИ ДОН УЧУН ЕТИШТИРИШДА МАҚБУЛ ЭКИШ ТУП ҚАЛИНЛИГИ

Косимова Шахноза Жабборкуловна, қ.х.ф.ф.д (PhD),

Ўктамов Худоберди, Исроилова Маҳлиё, Юсупов Абдурахмон, Улуғов Абдусамат,
талабалар,

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети.

Аннотация. Мазкур мақолада Самарқанд вилоятининг ўтлоқи тупроқлар шароитида маккажўхорининг ўртапишар "Ўзбекистон 601 ЕСВ" ва ўрта-эртапишар "Қорасув 350АМВ" дурагайлариининг экиш меъёри ва туп қалинлигига боглиқ ҳолда ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ўрганилган ва тадқиқот натижасида энг юқори дон ҳосилдорлиги экиш меъёри 75 минг уруғ/га бўлганда "Ўзбекистон 601 ЕСВ" дурагайида 80,1, "Қорасув 350АМВ" дурагайида 65,7 ц/га ташиқил қилган ҳамда озуқа бирлигининг чиқими ва ҳазмланадиган протеин миқдори бўйича маълумотлар баён қилинган.

Аннотация. В этой статье приведены сведения о норме высевы, роста, развития и урожайности среднеспелого гибрида кукурузы «Узбекистан 601 ЕСВ» и средне-раннего гибрида «Корасув 350 АМВ» в зависимости от нормы высевы и густоты стояния растений в условиях пастбищных почв Самаркандской области. В результате исследований самая высокая урожайность зерна 80,1 ц/га получена у гибрида «Узбекистан 601 ЕСВ», а у гибрида «Корасув 350 АМВ» этот показатель составлял 65,7 ц/га.

Abstract. This article provides information on the seeding rate, growth, development and yield of the mid-season corn hybrid "Uzbekistan 601 ECB" and the mid-early hybrid "Korasuv 350 AMB", depending on the seeding rate and plant density in the conditions of pasture soils of the Samarkand region. As a result of the research, the highest grain yield of 80.1 c / ha was obtained from the hybrid Uzbekistan 601 ESB, and from the hybrid Korasuv 350 AMB this figure was 65.7 c / ha.

Кириш. Дунёда ва мамлакатимизда маккажўхори асосий ем-хашак экинларидан бири ҳисобланади. Маккажўхори суғориладиган ерларда дони ва силос массаси учун етиштирилади. Баҳорда дон учун, тақририй экилганда силос массаси учун экиш республикаимизда кенг тарқалган. Маккажўхори

серҳосил, озукавий қиммати юқори экин сифатида асосан республикаимизнинг суғориладиган ерларда етиштирилмоқда. Ҳозирда маккажўхори чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида асосий озуқа экини сифатида экилмоқда [1,3,4,5].